Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. №№ 143–144 (7. 232–7. 233) 1990 йил 28 июнь, пайшанба Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ҲОФИЗИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони белгилансин.

2. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони тўғрисидаги низом ҳамда ушбу фахрий унвон кўкрак нишони тасвири тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони белгланиши муносабати билан Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари тўғрисидаги низомга қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

10-модданинг «Д» бўлими «Ўзбекистон ССР халқ артисти» сўзларидан сўнг «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» сўзлари билан тўлдирилсин;

12-модда «Ўзбекистон ССР халқ артисти» бўлимидан сўнг қуйидаги мазмундаги бўлим билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» — ашулачиларга юксак ижрочилик маҳорати, классик мусиқий меросни, Ўзбекистон мусиқий-назм санъатининг анъанавий шаклларини ўзлаштирганлик ва ривожлантирганлик, фаол тарғиб этганлик учун.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 26 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Жумҳурият Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов 25 июнь куни ўтказган кенгашда Тошкент шаҳри, аҳолисини гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга онд масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳри ва вилояти партия, совет идораларининг, Ўзбекистон ССР Госплани, Давлат кооперация-қишлоқ хўжалиги комитетининг, жумҳурият Савдо, Соғлиқни сақлаш, Автомобиль транспорти, Ички ишлар министрликларининг, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўлининг раҳбарлари неча марталаб қилинган огоҳлантиришларга қарамай, тегишли хулосаларни чиқариб олмаганликлари ва натижада шаҳарликларни мева-сабзавот ва гўшт билан таъминлашнинг аҳволи ҳали ҳам жуда мушкул бўлиб турганлиги қайд этилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиладиган ёғаи ярмаркалар етарли равишда ташкил этилмаган, кооператив-гўшт билан савдо қилишда узилишлар бўлиб турибди, колхоз бозорларида сабзавот ва меванинг айрим турлари нархи ҳамон ошиб бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекбирлашув бошқарувининг, Тошкент шаҳри маҳаллий Советлари ижрокомларининг, Тошкент Деҳқончилик-саноат комитети ходимларининг иши қатъий танқид қилинди, улар маҳсулот тайёрлаш ва сотишни ташкил этишда ҳамон имиллаш ва сусткашликка йўл қўйётганликлари айтиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг озиқ-овқат маҳсулотларини жумҳурият ташқарисига олиб кетишни чеклаш хусусидаги қарори тўла-тўкис бажарилмаяпти. Бу нарса кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қатъиятсизлиги ва кўпинча чалакам-чатти чоралар билан чекланаётганлигининг оқибатидир.

Саноат корхоналарида, талабалар шаҳарчаларида мева-сабзавот савдосининг ташкил этилиши жуда ташвишли аҳволда. Айрим раҳбарлар ва меҳнат жамоаларининг кенгашлари ўз ходимларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда лоқайдлик қилаётганликлари қайд этилди.

Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш соҳасида, саноат корхоналари яқинида ва ҳудудида савдо объектларини кўриш учун маблағларни бирлаштириш соҳасида колхоз ва совхозлар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш масалалари билан етарли равишда шуғулланмаяптилар.

И. А. Каримов ўз нутқида бутун куч-ғайратни Тошкент шаҳрини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга сафарбар қилиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, Тошкент шаҳар Советига саноат корхоналари, талабаларнинг ётоқхоналари яқинидаги, маҳаллалардаги ва шу каби жойлардаги мева-сабзавот маҳсулотлари сотадиган мавсумий дўконларнинг жойланишини ўн кун муддат ичида кўриб чиқиш, шаҳар саноат корхоналари билан Тошкент вилояти колхоз ва совхозлари ўртасида июль ойининг биринчи ярмида бевосита шартномалар тузишни ниҳоясига етказиш таклиф қилинди. Савдо тармоғини кенгайтириш ва таъминотни яхшилаш мақсадида бу ишга жумҳурият Савдо министрлигининг чакана савдо корхоналарини жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Савдо министрлигига, Ўзбекбирлашувга, Тошкент шаҳар Деҳқончилик-саноат комитетига иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланиш, савдо, тайёрлов ва қайта ишлаш тармоқларининг майда корхоналарини, умумий овқатланиш объектларини ижарага, жамоа ва хусусий мулкка дадилроқ топшириш тавсия қилинди.

Жумҳурият Молия министрлигига матлубот кооперациясининг чорва ва парранда харид қилиш ҳамда сотиш харажатларини қоплаш учун маблағларни топиб, унга бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича министрликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган штаб тузишга қарор қилинди. Жумҳурият вилоятларидан Тошкент шаҳрига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиб келтиришнинг аниқ жадвалини ишлаб чиқиш, мева ва сабзавотни завод ва фабрикаларда, йирик умумий овқатланиш корхоналарида сақлаш учун қўшимча жойларни қидириб топиш, шу иш учун маҳсулот асрашнинг халқ усулларидан ва табиий шароитдан фойдаланиш тавсия этилди.

Ҳосилни йиғиштириб олиш, уни ҳеч нобуд қилмай меҳнаткашлар дастурхонига етказиб беришга тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кенгаш қатнашчиларининг эътибори қаратилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари С. М. Мамарасулов, А. И. Фозилбеков ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашдилар.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

ДЕҲҚОН ҲАМ, ШАҲАРЛИК ҲАМ МАНФААТДОР

БУГУНГИ кунда шаҳримиздаги дўконларга кирган киши пештахталарда маҳсулотнинг хилма-хил ва сероб бўлишида деҳқонлар билан бир қаторда мутасадди ташкилотларнинг вакиллари ҳам бирдек жон куйдириши керак экан, деган фикрга келади. Дарҳақиқат, ҳамшаҳарларимизни гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда ишбилармонлик билан, узоқни ўйлаб иш кўриш керак. Негаки айрим дўконлар ҳали ҳам ёзнинг сархил неъматлари билан тўкин бўлгани йўқ. Пештахтага кўз югуртириб баданингдан совуқ тер чиқиб кетганини билмай қоласан. Кундалик рўзғор учун керакли нарсангни тополмай бозорга чопасан. Нега шундай? Бу савол эндиликда кўплаб ҳамшаҳарларимизни қаттиқ ўйлантирмоқда. Мавжуд аҳволни ўнглаш, Тошкент шаҳар аҳолисини гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун нима қилиш керак? Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда ана шу масалалар атрофлича кўриб чиқилди ва муҳим тадбирлар белгиланди.

— Турмушимиз ва яшаш тарзимизни яхшилашга бўлган бундай эътибор ҳар қандай кишини ҳаяжонга солади, — дейди Фрунзе район улгуржи-чакана савдо мева ва сабзавот комбинати директори Абдуманнон Зокиров. — Ҳали шаҳримиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни давр талаби даражасига етказиш учун кўп ишларни қилишимиз керак. Имкониятларни ишга солмоғимиз зарур. Бугунги кунда айниқса ҳамкорликдаги хўжаликлар билан муносабатни яхшилаш катта иш берган бўлур эди. Комбинатимиз орқали ҳамшаҳарларимиз дастурхонини тўкин этишда Янгийўл районидаги Ленин ва Ниёзов номли хўжаликлар, Ғалаба районидаги «Коммунизм» жамоаси сингари қатор хўжаликларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Улар йил бошида ҳар икки томонлик манфаатига хизмат қилувчи шартнома шартларини бажаришга қатъият билан ёндошмоқдалар. Уларнинг кўмаги билан аҳолининг мева ва сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини оз бўлсада қондиришга эришмоқдамиз. Кеча етти тонна бодринг ва помидор, 6 тонна пиёз, 24 тонна картошка, 4 тонна олма ва олхўри савдо шохобчаларимиз орқали ҳамшаҳарларимизга етиб борди. Аммо бу кўрсаткич барибир оз. Ҳозирги кунда маҳсулот қанчалик кўп ва хилма-хил бўлса, шунчалик яхши. Аммо шартнома шартларини бажаришга лоқайдлик билан қараётган айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бунга халақит беришмоқда.

Шартнома шартларини бажаришга бир томонлама қараш инсофдан эмас. Мева ва сабзавот маҳсулотлари қанчалик кўп, тўкин бўлса, одамларнинг унга бўлган эҳтиёжини қондириш шунчалик енгиллашади, бозорда нарх-навонинг ортиб кетишининг олди олинади. Афсуски, ҳали бу борада кўп ишлар қилиш керак. Комбинатда ҳозир ишга янгича ёндошувнинг турли усуллари қарор топмоқда. Райондаги кўпгина мева ва сабзавот дўконлари ижара пудратида ишлайди. Уларда мустақиллик сари интилиш тобора кучайиб бормоқда. Натижада Тошкент вилоятидан четда ҳам дадил ҳамкорлик қилиш, хўжаликлар билан шерикчиликни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўляпти. Ҳозиргача Фарғона водийсидан олиб келинган ўрик район дўконларида кенг харид этилди. Яна бир гап: райондаги барча мева-сабзавот дўконларининг мудирлари хўжаликларга бириктириб қўйилган. Улар юқорининг буйруғини кутмай мустақил иш олиб боришмоқда, аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларнинг пештахталарда бўлишига эришишяпти.

Яқинда Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида комбинатнинг янги дўкони иш бошлади. Бу қулайлик кўпчилик ишчи-хизматчиларнинг ишдан сўнг рўзғор ташвишида вақт кетказишларига чек қўйди. Ҳозир ишчилар ўз корхоналаридаги мева ва сабзавот дўкони хизматидан кенг фойдаланмоқдалар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Келажагимиз—мактабда

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ

ЎҚИТУВЧИ—Ер юзидаги энг асосий касб, деган ибора юракни тўлқинлантиради. Шарафли бу касб эгалари ёш авлодни тарбиялаб, ҳаётга етук кишиларни етказиб беришдек муқаддас юмушлари билан фахрланишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз—мактабда» Мурожаатномасидаги мана бу даъватни дилга жо этайлик:

«Ҳар биримиз мактабни ривожлантиришда, ҳеч бўлмаганда бир ўқувчига, синфга, мактабга фан ва миллий маданият чўққиларини, мамлакат ва дунё халқлари маданиятини яхшироқ билиб олишда, халқ таълимига—таълим ва тарбия янги мазмунини чуқурлаштиришда, иқтидорли, салоҳиятли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини ўстиришнинг таъсирчан йўналишларини ишлаб чиқишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Мен раҳбарлик қилаётган мактабда ҳам фидокор ўқитувчилар меҳнат қилишади. Ўқув йилини яхши тугаллаб, айни шу кунларданоқ янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

Янги ўқув йилидан бошлаб мактабимизда тўртта қўшимча 10-синф очмоқчимиз: олий ўқув юртлари билан тузилган шартномага мувофиқ маълум фанга лаёқати бор, иқтидорли ўқувчилар шаҳримизнинг барча мактабларидан махсус қабул комиссияси танловига асосан қабул қилинади. Шартномалар тиббиёт олий-гоҳининг «Химия», Машинасозлик олийгоҳининг «Физика», Педагогика олийгоҳининг «Бошланғич таълим методикаси» ва Тошкент Давлат дорилфунунининг «Биология» қуллиётлари ўртасида тузилди. 10 ва 11-синфларни муваффақиятли тугатган ўқувчилар мазкур ўқув даргоҳларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар...

Биз бошланғич таълим—таълимнинг асоси эканини назарда тутиб, уни етук мутахассис кадрлар билан таъминладик. Охирги 5 йил ичида 7 ўқитувчини ўз мутахассислиги бўйича қайта ўқитдик. Тўрт ўқитувчимиз Низомий номли Тошкент Давлат педагогика олийгоҳини битириш арафасида турибди. Техника воситаларидан фойдаланиш ҳам яхши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда ҳар бир фанни ўрганиш учун 3 тадан хона ажратилган бўлиб, учтаси рангли «ойнаи жаҳон», диаскоп, фильмоскоп, эпиодоскоп ҳамда кадаскоплар билан таъминланган. Бошланғич синфлар икки йилдан бери 5 кунлик дарс системасига ўтишди. Натижада бошланғич синф ўқитувчиси ўз малакасини оширши, ижодий ишлаши ҳамда дам олишига шароит яратилди. Оталиқ ташкилотимиз — жумҳурият моддий-техника таъминоти Давлат комитети ёрдамида турли тўгараклар ишини йўлга қўйдик ҳамда операторлар тайёрлайдиган, 30 ўқувчига мўлжалланган компьютерлашган синф ташкил этилди.



Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати

Зуҳра Мавлонова котибалик қилаётган 21 коммунистдан иборат мактаб бошланғич партия ташкилоти иши ҳам яхши йўлга қўйилган. Қилинадиган барча ишлар биргаликда маслаҳатлашиб, қатъий ва аниқ ҳал этилади. Коммунист ўқитувчилар илғор ишларнинг ташаббускори бўлишмоқда.

Очиқ гап, кейинги йилларда қоммунистларнинг шаънига ҳар хил фикрлар айтиляпти. Аслида бунга партия эмас, нўноқ ва фикри саёз одамлар сабабчи. Сўнгги пайтларда ленинча принципдан чекиниш бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Партия сафларига кўпроқ амал пиллапояларига кўтарилишни мақсад қилиб, адашиб кириб қолганлар кўп бўлди. Партия сафларидан кетаётганларнинг аксарияти ўз дунёқараши йўқ одамлардан иборат бўлиб, қайтанга баъзи шундай одамлар ҳисобига партия сафлари тозаланмоқда.

Янгича фикрлаш ва қайта қуриш барча соҳалар қаби халқ таълимига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистон ССР Президентининг «Бошланғич синф ўқитувчиларининг ишҳақини ошириш тўғрисида»ги яқинда қабул қилган Фармони ҳам қайта қуриш шарофати, ўқитувчилар учун алоҳида ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Ҳозир ўқув соатлари 20 соатдан 14 соатга камайтирилмоқда. Бунинг натижасида ашула, меҳнат, тасвирий санъат, жисмоний тарбия каби ўқув машғулотларини ихтисослашган фан ўқитувчилари ўтадиган бўлишади. Бу энди бошланғич синф ўқитувчиларининг ўз устларида кўпроқ ишлашларига, билимларини янада мустаҳкамлашларига имкон яратди. Энг асосийси, бу фарзандларимиз келажаги ва эртанги кунимиз олдида уларнинг зиммаларига чуқур масъулият юклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кундаги мактаб муаммолари ҳаммани ташвишга солмоқда. Мисол учун олти ёшлиларни ўқитиш масаласини олайлик. Эстония педагоглари ислоҳотни амалга оширишни 20 йил га мўлжаллашибди. Нега? Чунки улар аввало моддий база ҳамда кадрларни тайёрлаб олишни кўзлашган. Биздаги ислоҳ эса, эълон қилинган йилиёқ аёв олиб кетди. Натижада аҳвол янада ёмонлашди. Бугунги кунда жумҳуриятимиздаги ҳар саккиз мактабдан биттаси ҳалокатли ҳолатда эканлигини, пойтахтимиздаги 83 мактабда ўқувчилар синфда овқатланишини қандай изоҳлаш мумкин? Дарслик-қўлланмаларни айтмайсизми. Уларнинг 80 фоизини қайта кўриб чиқиб, янгидан тузиш керак. Бошланғич синф ўқувчилари учун ишлаб чиқилган дарсликлар ҳажми ва мазмуни болалар ёшига мутлақо тўғри келмайди. «Ўқиш китоби», «Табиатшунослик» китоблари ҳажми роман китобларидан ҳажмидан ҳам ошиб кетган.

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ҳам ғоятда аҳамиятли. 7-синф учун «Ўзбекистон ССР тарихи» дарслиги бор. Бу фанга жуда кам соат ажратилган. Еш авлод ўз тарихимизни тўла-тўкис билмай туриб, келажакка тўғри назар ташлай олмайди, тарихимизни чуқур ва мукаммал ўқитишимиз лозим.

Ўқув китобларини аввалгидай сотувга чиқариш керак. Чунки 5 йилга мўлжалланган китоблар 4—5, айниқса бошланғич синфларда 2—3 йил ўтиб эскириб, ўқиб бўлмайдиган аҳволга келади. Айтаверсак, муаммолар кўп. Жисмоний тарбия масаласи ҳам кескин бўлиб турибди, спорт залининг ўзигина етарли эмас. Эстетик тарбияда ҳам қийинчиликлар бор.

Очиқ гап, кейинги пайтда фидойи ўқитувчилар камайиб кетмоқда. Ҳақиқий фидойи ўқитувчиларни эса ўз вақтида мехнатга яраша тақдирлаб, маънавий рағбатлантириб туриш керак. Еш ўқитувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш, билим савияси паст бўлган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ёки улардан халос бўлган маъқул.

Менинг фикримча халқ таълимига қўпроқ йигитларни жалб этиш керак. Биргина бизнинг мактабимизда 210 ўқитувчининг 190 тасини хотин-қизлар ташкил этади. Одатда, ёш ўқувчилар эркак ўқитувчилардан анча-мунча ҳайиқиб, иззат-ҳурматда бўлишади. Мен ўқитувчилар эркаклардан кўпроқ бўлсин, деганда шуни назарда тутаяпман.

Яна бир масала. Чет элларда ўқитувчиларга ҳар беш йилда бир йил ижодий отпускалар берилади. Бизда бу тажриба сифатида қўлланилса ёмон бўлмасди. Қарилик пенсия ёшини ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Аёллар учун 50 ёш, эркаклар учун 55 ёшни белгилаш мақсадга айни мувофиқ бўлур эди.

Менга жуда катта ишонч билдирилиб, КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайланганим қалбимда чексиз фахр, касбимга чуқур меҳр уйғотди. Шу боисдан халқимиз ишончини оқлашга бутун куч-қувватимни сарфлайман.

Назира АҲМЕДОВА,
Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 41-ўрта мактаб директори.

⊙ **СУРАТДА: КПСС XXVIII съезди делегати Назира Аҳмедова.**

Т. Каримов сурати.

Тонгги рўзномаларда

⊙ **26 июнь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби В. А. Медведев раислигида КПСС XXVIII съездига тайёргарлик комиссияси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлди.**

Бугун рўзномаларда ана шу ҳақда ҳисобот ҳамда «Инсонпарвар, демократик социализм сари» КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти лойиҳаси эълон қилинган.

⊙ **Жумҳуриятимиз рўзномаларида «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони тўғрисида Низом ҳамда «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» кўкрак нишонининг тасвири матни берилган.**



⊙ **МАШИНАСОЗ. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи»да ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Меднхат Нуриев.**

Х. Мирзакаримов сурати.

ITALIA'90

ФУТБОЛ ҚИРОЛИНИНГ БАШОРАТИ

Ҳа, буюк Пелега тан бериш керак: унинг биринчилик борасидаги башоратлари тўғри чиқмоқда. Чунончи, у гарчанд кўпчилик ишонмаса-да, ҳужумга етарли даражада аҳамият бермаётган Бразилия командасининг мағлубиятга учрашини ҳам кўра-билган эди. Биринчилик бошланишидан анча олдин эса у кутилмаганда югославлар футболчиларининг ҳам ғучлилар сафида бўлишини таъкидлаганди. Югославия — Испания ўйини ҳақиқатан ҳам Пеле футболни миридан-сиригача билишини исботлади. Ушбу ўйинда гўё Испания кучлидек кўринганди. Аммо ўтган биринчиликнинг энг сермаҳсул ўйинчиларидан бири Бутрагеньонинг мўлжали бу гал аниқ эмасди. Учрашув бир оз зеркарли ўтди. Командаларнинг чарчоғи сезилиб турарди. Иккинчи бўлимда Стойкович ҳисобини очди. Салинас эса охирги дақиқаларда жавоб тўпини киритди. Беллашув 1:1 ҳисобида тугаганидан сўнг 30 дақиқа қўшимча вақт белгиланди. Қўшимча вақт бошланиши биланоқ Стойкович жарима тўпидан самарали фойдаланиб, командасига ғалаба келтирган ўзининг иккинчи тўпини киритди. Ўйин 2:1 ҳисобида тугади.

Кейинги, нимчорак финалнинг охирги ўйинида майдонга Англия—Бельгия командалари тушди. Беллашув деярли тенг ўтди. Фақат Англия футболчилари майдонда кўпроқ ҳаракат қилдилар. Бу уларнинг жисмоний тайёргарликлари яхшироқ эканлигидан далолат берарди. Бир вазиятда ҳатто Бельгиянинг етакчи ҳужумчиси Шифо зарбасидан сўнг тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Бироқ ушбу ўйинда ҳам асосий вақт дуранг натижа билан — 0:0 ҳисобида тугади. Ғолибни аниқлаш учун белгиланган 30 дақиқанинг охирги сониялари да Англия футболчиси Платт дарвозани жуда чиройли забт этиб, командасига чорак финалга йўл очди. Ҳа, 5 йилдан бери Англия клублари халқаро турнирларда қатнашиб, тажриба алмашишдек муҳим омилдан бебаҳра эканлигини ҳисобга олсак, ушбу ғалабанинг салмоғи нақадар юқорилиги маълум бўлади.

Чорак финал ўйинлари 30 июнь ва 1 июлда ўтказилади. Унда Аргентина — Югославия, Ирландия — Италия, Чехословакия — ГФР ва Камерун — Англия командалари ўзаро беллашади.

Д. ИСМОИЛОВ.

ҚУЁШ «ЖАЗАВА»ГА ТУШГАНДА

⊙ **Кейинги кунларда жумҳуриятимизда, жумладан Тошкентда ҳаво ҳарорати кескин кўтарилди. Ҳали чилла кирар-кирмас, ҳавонинг бундай жазирама бўлиши яқин ўртада кузатилмаганлигини нуроний отахонларимиз ҳам таъкидламоқдалар. Ушбу ҳодисанинг сабаблари, чунончи ҳарорат пасайиши ҳам кутиляптими, шулар ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида мухбиримиз Ўзбекистон ССР об-ҳаво маълумотларини ўрганиш маркази бўлимининг бошлиғи Венера Галеевна Булгар билан суҳбат ўтказди.**

— Венера Галеевна, ҳароратнинг кескин кўтарилишининг сабаби нимада? Илгаридари ҳам шу каби ҳоллар кузатилганми?

— Бир мунча мўътадил ва серёмгир келган баҳор мавсумидан сўнг, тўсатдан жазирама ёз бошланиб кетди. Июннинг дастлабки кунлариданоқ жумҳуриятимиз ҳудудининг кўп жойларида ҳаво ҳарорати кўп йиллик нормадан 3—8 даража баланд бўлмоқда. 17 — 22 июнда эса ҳароратнинг энг юқори даражага кўтарилганлиги кузатилди. 18 июнда Бухоро чўлларида кундузи ҳарорат 45 даражадан юқори бўлганлигини аниқладик. Жумҳуриятимиз пойтахтида эса энг юқори ҳарорат 22 июнда кузатилиб, соат 17 да ҳаво 41,3 даражагача қизиди. Бутун июнь ойи учун эса рекорд кўрсаткич 1914 йил 23 июнда қайд этилган бўлиб, ўша куни ҳавонинг ҳарорати 42,2 даражагача кўтарилган. Ўрта Осиёда бундай иссиқ об-ҳаво ёзда Шимолдан ҳаво оқими келмаганида юз беради. Яъни бунда ҳаво узоқ вақт алмашмай, бир ерда туриб қолади ва борган сари қизий бошлайди. Ёки жумҳуриятимиз ҳудудига жануб мамлакатларидан иссиқ ҳавонинг келиши ҳолларида рўй беради.

— Ҳарорат кўтарилишининг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Ҳар ҳолда бу биринчи марта эмас. Июндаги бундай жазирама аввалларида ҳам, жумладан, 1889, 1893, 1902, 1941, 1966, 1977, 1988 йилларда ҳам кузатилган эди. Бундай ҳолат ўртача 14 йилда бир марта рўй беради. Тошкентда кейинги ўттиз йил ичида ҳаво ҳароратининг ўртача 1,1 даража кўтарилганлиги қайд этилган. Умуман, катта шаҳарларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиб боришини аҳолининг кўпайиши ва антропогент омиллар (энергия ишлаб чиқаришнинг ортиб бориши) билан белгилаш мумкин.

— Ҳароратнинг юқорилаб боришига Орол денгизининг таъсири йўқмикан?

— Агар Орол ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг соҳилдан чекиниб бориши натижасида ҳароратнинг ортиши фақат 80—100 километр доирасида намоён бўлади. Тошкент учун эса Оролнинг ҳеч қандай таъсири йўқ, деб дадил айтишимиз мумкин.

Суҳбатдош Ш. ИСОҚОВ.

Касаба уюшмаси ҳаёти

ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИ КУЧАЙСИН

⊙ Тан олиш керакки, кейинги бир неча ўн йилликларда касаба уюшмалари партия, совет ва хўжалик органларининг дастёрига айланиб қолган эди. Касаба уюшмаларига мусобақани ташкил этишдан тортиб, камчил молларни тақсимлашгача «ранг-баранг» топшириқлар бериларди-ю, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишдек асосий, муқаддас масала унутиб қўйиларди. Оқибатда, бу жамоат ташкилоти меҳнаткашларнинг ишончидан анча қолди. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари қайта қуриш даврида ўз фаолиятини ниҳоятда фаоллаштириш, ҳимоя чоралари деб аталмиш муқаддас вазифасини ўташи, шу аснода ўзининг ташкилий қурилишида кескин ўзгаришларни ясаши лозим.

Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг «Вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида» мавзусида ўтказилган иккинчи пленумида масалага шу нуқтаи назардан ёндошилди. Унинг қатнашчилари ўз фаолиятларига танқид ва ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан баҳо бердилар.

ПЛЕНУМ олдидан вилоятдаги жуда кўплаб корхона, ташкилот, муассасалар касаба уюшмалари, вилоят қўмиталарининг ишлари ва аҳволи эътибор билан ўрганилди. Шуни ҳам қайд этиш керакки, бир қатор жойларда давлат қонунларига тўла-тўкис амал қилинмоқда, касаба уюшмалари ишчи-хизматчиларнинг ишончли ҳимоячилари воситасини ўтамоқда. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси ҳузурида меҳнат ҳуқуқ инспекцияси, адлия маслаҳати гуруҳи тузилган ва у корхонада ишчи-хизматчиларнинг манфаатини ҳимоя қилмоқда. Оқибатда бу корхонада қонун бузишлар жуда камдан-кам содир бўлаяпти. Тошкент тез тиббий ёрдами шифохонаси, Ўрта Осиё газ саноати ҳаракатланадиган кранлар ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон газ қурилиши трести ҳақида ҳам шундай ижобий фикрларни айтиш мумкин. Бундай корхоналар ва ташкилотлар рўйхатини яна давом эттириверш мумкин. Лекин таъкидлаш керакки, ҳали кўпгина жойларда қонун-қоидалар қўпол равишда бузилмоқда. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳуқуқий меҳнат инспекторлари мингдан ортиқ меҳнат қонунчилиги қонун-қоидалари бузилганлигини аниқладилар. Касаба уюшмалари томонидан 2 мингдан кўп меҳнат низолари кўриб чиқилганда 80 фоиздан кўпроғи аризачи фойдасига ҳал бўлган. Демак корхона, ташкилотлар маъмуриятлари томонидан адолатсизлик қилинган. Ишга қайта тикланиш учун судга мурожаат этганларнинг Тошкент шаҳрида 55 фоизи, вилоятда 40 фоизи ўз иш жойига тикланди.

Кўпгина раҳбарлар иш вақтидан унумли фойдаланишдек муҳим масалага масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Ўтган йили Тошкент шаҳри ва вилояти саноат корхоналарида иш вақтида бекор туриб қолиш туфайли 50620 иш куни, ишга кечга қолиш туфайли 113776 иш куни йўқотилган. Шу билан бирга худди ўша корхоналарда ишдан кейин, дам олиш кунлари уч миллион киши соат иш вақти сарфланган.

Бу ўринда корхоналар маъмуриятларининг айби катта. Лекин касаба уюшмаларининг ҳам айби кам эмас. Касаба уюшмалари иш вақти ҳақидаги қонун-қоидаларга риоя қилиниши устидан етарли даражада назорат ўрнатолмаяпти. Агар жойлардаги касаба уюшмалари, соҳа вилоят комитетлари ишчанлик, талабчанлик билан фаолият кўрсатганларида, шубҳасиз бундай қоидабузарликлар кескин камайган бўлур эди. Ҳатто айрим касаба уюшмаларида ирода, муросасозлик, мустақиллик етишмаяпти.

Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг меҳнат ҳуқуқий инспекторлари ташаббуси билан 34 ишчи ва хизматчи ишга қайта тикланди. Шуни қайд этиш керакки, улардан тўрт нафаригина маъмурият томонидан касаба уюшмасининг розилигисиз бўшатилган. Қолганларга касаба уюшмаси розилик берган. Ваҳоланки, ана шу адолатсизлик билан ишдан бўшатилганлар касаба уюшмасидан нажот кутганлар, оғир дамларда ҳимояга оладилар деб ўйлаганлар.

Корхоналарнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, янгича иқтисодий шароитда ишлаш муносабати билан жамоавий шартномалар, келишувлар, ижтимоий мулоқотларнинг аҳамияти ошмоқда. 1990 йилда вилоятда 1615 жамоа шартномалари тузилган эди. Уларда ижтимоий масалаларга катта эътибор берилганди. «Малика», «Чевар», «Орзу» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Совет — Италия ҳамкорлигидаги қўшма корхонада шундай йўл билан ўз ходимлари учун қатор қўшимча имтиёзлар, қулайликлар яратилди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши, соҳалар вилоят касаба уюшмалари ижтимоий ҳимоя чораларини кучайтириш масалаларини бирлан шуғулланмоқдалар, эътиборни кучайтирмоқдалар. Лекин қуйи ташкилотлар бу қарз ва фарз бўлган муҳим иш билан масъулиятни ҳис этган ҳолда шуғулланмас эканлар, жиддий ўзгариш ясаш қийин. Сир эмаски, кўпгина касаба уюшмалари ҳамон меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига ишлаб чиқариш, камчил буюмларни тақсимлаш билан овора бўлиб қолмоқдалар. Шундай касаба уюшмалари борки, маъмурият измидан чиқа олмайдилар.

Меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари самарадорлигини оширишнинг биринчи шартларидан бири — меҳнат қонунчиликларини билимдонлик билан билишдир. Афсуски, сайланадиган касаба ташкилотлари ходимларининг ҳаммаси ҳам бу борада пишиқ-пухта билимга эга деб бўлмайди. Фаолларнинг зарур билимга эга бўлишлари учун вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят комитетлари турли ўқувлар ташкил этмоқдалар. Жойларда касаба уюшмаси фаолларининг ўқувларининг ташкил этилиши ишга янгича ёндошишнинг яна бир намунаси бўлаяпти. Лекин айрим касаба уюшмаси қўмиталари бу ишга масъулият билан ёндошмаяптилар. Жумладан, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат корхоналари ишчилари вилоят касаба уюшмаси қўмитасида бу борада олиб борилаётган ишлар умуман талабга жавоб бермайди.

Музокаралар чоғида сўзга чиққан маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари, вилоят прокурорининг ўринбосари Қ. Розиқов, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси А. Рябченко, агрегат заводи слесари Н. Валяник, Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи М. Юнитер касаба уюшмаларида меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, ВЦСПС VI пленуми қарорларини изчиллик билан бажариш, меҳнаткашларнинг иш шароитини, меҳнатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ишларини яхшилаш, ишловчиларни уй-жой билан таъминлаш чоралари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар.

Б. ПЎЛАТОВ.



⊙ РЕЖАЛИ ИШ—БЕЖОҒЛИ. В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари В. Бондаренко, А. Меркулов ва Н. Гельманлар ўзаро фикрлашмоқдалар.

Р. Шарипов сурати.

Хориждан хабарлар

⊙ БЕРЛИН. Икки ғарбий давлати ва тўрт ғолиб мамлакат ташқи ишлар министрларининг «2 плюс 4» формуласи асосидаги иккинчи учрашуви тугаганидан кейин пойтахтдаги конгресслар саройида журналистлар билан якуний учрашув бўлиб ўтди. Унда ГДР ташқи ишлар министри Маркус Меккель раислик қилди.

Ўтган мажлисни таърифлар эканман, даставвал унинг барча қатнашчилари Германия бирлиги тўғрисидаги масалани халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ишига амалий ва ижобий ҳисса қўшганликларини айтишни истардим, деб таъкидлади ўз нутқида СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе.

Тўрт давлатнинг ҳуқуқларини ва масъулиятини бекор қилиш тўғрисидаги музокаралар тугагунга қадар ҳали оғир йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Бироқ албатта муваффақиятга эришилади. Совет делегацияси баҳсли масалаларни тартибга солишга доир аниқ таклифларни ўз ичига олган ҳужжатни тақдим этди. Тўғри, бу фақат лойиҳа, холос ва у ўзгартириб бўлмайдиган ҳақиқат даъвосини қилолмайди. Унда ўзгаришлар, турли вариантлар бўлиши мумкин. Ҳужжатда муаммонинг барча жиҳатлари тартибга солинган бўлиши керак, деб таъкидлади совет министри.

⊙ ВАРШАВА. Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикасининг Польшадаги элчилари икки немис давлати парламентлари — Халқ палатаси ва Бундестаг Польша-немис чегараси юзасидан бир хил мазмундаги қарорлар қабул қилганлиги тўғрисида ташқи ишлар министри Кшиштоф Скубишевскийни расмий равишда хабардор қилдилар. Баёнотларда таъкидланишича, қабул қилинган қарорлар ГДР билан ГФР ҳукуматларининг сиёсий иродасини ифодалайди.

Министр Скубишевскийнинг таъкидлашича, икки немис давлати парламентларининг қарорлари Польша ҳукумати томонидан ижобий баҳоланмоқда. Бу қарорлар ҳозирги Польша-немис чегарасининг ҳуқуқий халқаро характерини тасдиқловчи Бирлашган Германия билан Польша ўртасида шартнома тузиш учун қулай сиёсий муҳитни вужудга келтиради. Бу шартнома Германия бирлашганидан кейин дарҳол имзоланади ва ратификация қилинади.

⊙ СОФИЯ. «Болгария Социалистик партияси барча сиёсий кучларни мамлакатда осойишталик, барқарорлик ва бунёдкорлик вазиятини таъминлашга, ваколатли миллий иноқлик коалицион ҳукуматини тузишга чақиради», — деди Болгария Социалистик партияси Олий партия кенгаши раиси Александр Лилов. У Социалистик партия аъзолари ва тарафдорларининг София марказида бўлиб ўтган кўп минг кишилик митингида нутқ сўзлади.

Бу митинг Болгария Буюк халқ мажлисига бўлиб ўтган қизғин сайлов кунларининг ўзига хос якуни бўлди. Унда БХР Министрлар Кенгашининг раиси Андрей Луканов, халқ мудофаа министри Добрий Журов, партиянинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

⊙ ПАРИЖ. Франция президенти Ф. Миттеран Францияга икки кунлик расмий ташриф буюрган Венгрия Республикаси бош министри Й. Анталлни қабул қилди.

Венгрия ҳукумати бошлиғи учрашув тугаганидан кейин Венгрия «Франция билан муносабатларнинг мустаҳкамланишини табриклайди», деди ва «Марказий ҳамда Шарқий Европада Франция иштирокининг кучайиши муҳимлигини» таъкидлади.

Бундан аввал Франция бош министри М. Рокар билан бўлган учрашув чоғида Й. Анталл Венгриянинг «Европанинг миниг йиллик ўзига хослигини тиклашга ва унинг миллий тикланиши учун зарур бўлган Европада ўз ўрнини яна эгаллашга» интилаётганини таъкидлади.

⊙ ЛОНДОН. Шимолий Ирландиядан Британия қўшинларининг кетишига қуролли усуллар билан эришаётган Ирландия республикаси армияси Лондоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги қирол ҳарбий-ҳаво кучлари базасида рўй берган портлаш учун масъулиятни ўз зиммасига олди.

Аввал хабар қилинганидек, ўша куни эрталаб соқчилар авиабаза ҳудудида шубҳали тугунчани топиб олган. Ҳарбий объектнинг 200 га яқин ходими, шунингдек атрофдаги уйларда яшовчи 30 киши зудлик билан бошқа ерга кўчирилди. Шундан сўнг 30 минут ўтгач, бу тугунча портлаган. Ҳайриятки, бу террорчилик ҳужжи натижасида ҳеч ким жабрланмади.

⊙ РИМ. 2 июль куни Римдаги Олимпиа стадионида ҳайрия футбол ўйини ўтказиларди. Шундан бир неча кун ўтгач, шу стадионда Италияда бўлаётган жаҳон биринчилиги финал ўйини бўлиб ўтади. Ўйиндан тушган маблағ дунёдаги очлик ва қашшоқликка қарши курашга сарфланади. Европа ва Америка ветеранлари терма командалари учрашувига яқиндагина футбол майдонларида ўз маҳоратларини намойиш этган ва катта спорт билан хайрлашганларига анча вақт бўлган жаҳон футболининг кўпгина «юлдузлари тўпланадилар. Қарорғоҳи Римда жойлашган БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти бўлажак футбол байрамида Пеле, Фалькао, Мишель Платини, Паоло Росси ва бошқа таниқли чарм тўп усталари иштирок этишга розилик берганликларини хабар қилди, ўйиндан тушадиган маблағ шу ташкилот фондига берилади.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти бош директори Э. Саоума бу очиқдан-очиқ ва инсонпарвар тадбирга ўз ҳиссасини қўшишга рози бўлган футбол «юлдуз»ларига миннатдорчилик билдирди. Бу футболчилар, деди у бизнинг қашшоқлик ва очликка қарши курашга сарфлаётган куч-ғайратимизга қўшилишмоқда. Жаҳонда қашшоқлик ва очликдан 500 миллиондан ортиқ одам азоб чекмоқда.

(ТАСС).

Таъминотчи панд бермасин

ХОМ АШЁГА КЎЗ ТИКЯПТИЛАР

⊙ Ёрдамчи таъминот хўжаликлари асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг жон томири ҳисобланади. Уларнинг ёрдами туфайли сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда, вақт тежалмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам шундай ёрдамчи хўжаликлар талайгина. Шулардан бири тасма, капрон, резина бўлаклар тайёрловчи хўжаликдир. Хўжалик жамоаси корхона, фабрика ва цехларига юқорида номлари тилга олинган маҳсулотларни етказиб беради.

МАҲСУЛОТ етказиб бериш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Унинг тайёр бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшган ишчи эртаю-кеч тиним билмайди. Илғор ишчилар ҳақида гап кетганда хўжалик устаси Камол Оллаёров, Алла Лепшина ва Абиба Қўчқорованн фахр туйғусига тўлиб тилга олди. Ўша куни Абиба опани учратмадик. Чунки у киши меҳнат отпускасига чиқиб кетган экан.

Ҳамсуҳбатимиз Алла Лепшина бўлди. У ўз жамоасида 1981 йилдан бошлаб меҳнат қилиб келади.

— Алла Алексеевна, резина буюмларига ишлов бериш билан шуғулланар экансиз. Ахир, бу аёлларга хос иш эмас-ку.

— Ишимиз оғир, умуман ишнинг енгили бўлармикин ўзи? Мен кўникиб кетганман. Оғирлик мутлақо сезилмайди. Яна ким билади, дейсиз. Лекин мен бу ишларни оғир деб ҳисобламайман.

— Шундай экан, ўша ишингизга яраша ҳақ олаяпсизми!

— Маошим 350 сўм. Жамоамиз бригада пудратига ўтиб ишламоқда. Иш режаларини бажарсак, бундан ҳам кўп маош олишимиз мумкин. Умуман иш ҳақидан нолимайман.

— Алла Алексеевна, иш режаларини ҳар ойда бажарасизлармн ёки оралиқда узилишлар ҳам бўлиб турадими!

— Илгари ишимизда унум бўлар эди, сабаби хом ашё етарли эди. Энди бўлса, хом ашё йўқ. Бу бугун ё кеча бўлган эмас. Бу нарса икки ойдирки, ишимизга панд бериб келаяпти. Иш тўхтаб қолганидан бекор туриб қоляпмиз. Яқинда етти кун ип фабрикасида ишлаб келдик.

— Хом ашё йўқ деяпсиз. Уни сизларга ким етказиб бериши керак. Қолаверса, бу борада бирор силжиш борми!

— Хом ашёни бизга илгари Боку корхоналари етказиб берарди. Энди бўлса жўнатмаяпти. Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигига мурожаат қилинганда у ердаги ўртоқлар «Ўзларинг келишиб, ҳамкорлик қилинглар», — дейишдан нарига ўтишмади. Вакилларимиз Чимкентга боришди, аммо кард ишлаб чиқарадиган корхона раҳбарлари «Тўқимачилик корхонасида алмаштириб оладиган ҳеч нарса йўқ», — деб биз билан шартнома тузишдан бош тортдилар. Аҳволимиз танг. Тезроқ кард ишлаб чиқарадиган бирорта корхона билан шартнома тузиш лозим деб ўйлайман.

— Цехларингизда ҳаво жуда димоқни бўғадиган даражада. Мана, сиз шу жойда саккиз соат меҳнат қиласиз. Ўша ҳаводан «баҳраманд» бўласиз. Сизга қандайдир имтиёз бериладими!

— Имтиёзлар берилади, биринчидан бизга сут маҳсулотлари олиш учун бепул патталар, иккинчидан, меҳнат отпускаси даврида қўшимча кунлар қўшиб бершади, учинчидан, агар ўн йил узлуксиз бир жойда ишлаган бўлсак, 50 ёшда пенсияга чиқиш ўрнига мен 45 да чиқаман. Хўжалигимиз жамоаси раҳбарлари би борада яхши ишлар қилишмоқда.

Б. ОРИПОВ.

Мактуб йўлга чорлади

БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА

Ҳурматли редакция! Мен 21 йил ички ишлар органларида хизмат қилдим. Оғир дардга чалиниб қолганимда 120 сўм ногиронлик нафақаси тайинлашди. 1987 йилда қизим Замира, орадан икки йил ўтгач Алимуҳаммад туғилишди. Фарзандларимга нафақа ва суюнчи пули олиш мақсадида Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига борган эдим, қўлимга хат бериб яшаб турган жойимга жўнатдилар. Сергели район соцнал таъминоти бўлимидаги мутасадди ўртоқлар эса суюнчи пули ногиронлик нафақаси тўланаётган ташкилот орқали берилишини тушунтиришди. Хуллас, ўшандан бери турли идораларга қатнаш билан овораман. Турмуш ўртоғим ишлашни хоҳлайди. Аммо болаларни боғчага жойлолмай сарсон бўлаяпмиз. Ёрдам беринг.

Эшқобил ҚУЛИЕВ,
2-гуруҳ ногирони.

СЕРГЕЛИ район, 16-мавзе, 20-уйда яшаётган Эшқобил аканинг тез-тез нафаси сиқади. Айниқса асабийлашса, аҳволи оғирлашиб шифохонада даволаниб чиқишга мажбур бўлаяпти. Давлатимиз ногиронларни биринчи навбатда уй-жой, бепул машина, дори-дармонлар билан таъминлаб, катта ғамхўрликлар қилаётган бир пайтда инсон тақдирига бундай муносабат кишини ҳайратга солади. Хўш, нима гап ўзи? Масалани ойдинлаштириш мақсадида жамоатчи мухбиримиз мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларини суҳбатга тортди.

Й. ҲОЖИМУРОТОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси нафақа бўлимининг бошлиғи

— СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил, 25 сентябрда тасдиқланган қарорида: «Ишламайдиган пенсионерларнинг оилалари Ички ишлар вазирлиги соҳасида боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан турар жойлардаги социал таъминот бўлими томонидан нафақа билан таъминланадилар», дейилади. Мен бу ҳақда бир неча марта Кулиевга тушунтириб айтдим.

Ўртоқ Ҳожимуротовнинг айтганларига яна бир ҳужжатни илова қилиш мумкин. СССР Вазирлар кенгашининг кам таъминланган оилалар фарзандларига нафақа белгилаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги 1974 йил, 25 сентябрда тасдиқланган 752-қарорига мувофиқ (29-банди, сўнгги абзаци) ишламайдиган пенсионерларнинг болаларига ёрдам нафақасини ижроқўмларнинг комиссиялари белгилайди.

М. МУХТОРОВ,
Сергели район социал таъминот бўлимининг мудири.

— Ойига 12 сўмдан нафақа тўласак камбағал бўлиб қолмаймиз. Аммо қонун бўйича иш кўрилиши керак-да. Кейинги пайтда Тошкент шаҳар молия бошқармаси Кулиевнинг умр йўлдоши ёш эканлигини (1964 йилда туғилган) инобатга олиб, фарзандларига нафақа пули тўлашимизга рухсат берди. Фақат у ҳеч қаерда ишламаётганлиги ҳақида справка келтириб бериши зарур.

Афсуски, 1-турар жой бошқармасидан бундай ҳужжатни олишнинг ўзи бўлмаяпти. Сабаби, Кулиевнинг рафиқасига ҳали меҳнат дафтарчаси очилмаган экан. Болаларни боғчага жойлаштириш масаласига келсак, улар 1989 йил, май ойидан навбатга қўйилган. Аммо Сергели район халқ таълими бўлимининг методисти Т. Тўхтаева: «Эр-хотин аввал ишга жойлашинглар, кейин кўрармиз», деб йўлланма бермаяпти.

Ана энди ўзингиз хулоса чиқараверинг. Шундай ҳам азоб чекаётган ногирон кишининг идорама идора қатнаб, давлат томонидан яратилган имтиёзларни талаб қилиб, сарсон бўлаётгани адолатданми? Ўйлаймизки, Сергели район Совети ижроия комитети ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг мутасаддилари шу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

⊙ ҲУҚУҚШУНОС ШАРҲИ: Амалдаги қондага кўра кам таъминланган оилаларнинг болаларига бериладиган нафақа, агар ота ёки она ногиронлиги туфайли бирор корхонада ишламаса у ҳолда район соцнал таъминоти бўлими томонидан белгиланиб тўланиши лозим. Бунда ҳужжатларга илова тариқасида турар жойдан справка талаб қилиниши шарт ҳисобланади.

Маълум манзилгоҳда истиқомат қилаётган кишининг ҳақиқатан ҳам ишламаётганлиги меҳнат дафтарчасига қараб белгиланади. Агар аёл уй бекаси бўлса унинг бирор жойда ишламаётгани уй қўмитасининг раиси томонидан тасдиқланиши ҳам мумкин.

Болани боғчага жойлаштиришда эса оила бошлиғининг ногиронлиги эътиборга олинади. Онанинг бирор корхонада ишлаши ногирон учун белгиланган имтиёзни амалга оширишда ижобий ҳолат эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

А. ҲАСАНОВ.



Ҳам куласиз, ҳам куясиз

ҲАЙРАТДАН ЁҚА УШЛАЙСИЗ

Суратли айбнома

А. С. ПУШКИН номли маданият ва истироҳат боғига қадам ранжида этишингиз билан оқ озода йўлаклар четидаги анвойи гуллар кайфиятингизни кўтариб юборади. Нарироқдаги дам олишга мўлжалланган ўриндиққа бир зум чўкиб, чарчоғингизни қандай ёзганингизни сезмай қоласиз. Қизиқарли аттракционлар эса жонингизга оро киради. Маъмуриятнинг боғни ҳамшаҳарларимиз кўнгил очадиган жойга айлантириш учун қилган меҳнатлари зое кетгани йўқ. Ҳозир бу ерда тошкентликларгина эмас, бошқа шаҳарлардан келган меҳмонлар ҳам боғдаги қулайликлардан баҳраманд бўлишмоқда. Лекин гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, боғни айланиб четроққа чиқишингиз биланоқ бу ердаги сувоқлари кўчиб кетган бинони кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Бу бино «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида таъмирланган. Унинг боғ томонига қийшайиб йиқиламан деб турган девори оқлангану лекин нураб кетган, 600-700 томошабин кетадиган залдаги ўриндиқлар 50-йиллардан қолган «ёдгорлик» сифатида сақланиб келинмоқда. Бошқа ёзги кинотеатрларга борсангиз, уларда аллақачон замонавий, кино тамом бўлгунча бемалол ўтирса бўладиган ўриндиқлар ўрнатиб қўйилганини кўрасиз. Масалан, Хива ва «Фестиваль» ёзги кинотеатрларида шундай. «Октябрь» кинотеатри эса аксинча. У анча йиллардан бери фойдага ишламай қўйган. Унинг молиявий аҳволини ўнглаш учун кўлни қовуштириб турмай ишлаш керак. Кинотеатрни замон талабига жавоб берадиган қилиб жиҳозлаш зарур. Капитал таъмирдан чиқариш ва шу ерда яшовчи миллий аҳолининг эҳтиёжига мос кинолар намойиш қилиш керак.

Мана, мактаб ўқувчиларининг уч ойлик таътили давом этмоқда. Аммо кинотеатрлардагилар хотиржам. Ваҳоланки, ёшларга бу ерда бой программали мультфильмлар ташкил қилиш мумкин-ку. Бундан ташқари улар учун турли салқин ичимликлар, музқаймоқлар сотишни йўлга қўйса ҳам бўларди. Мана шундагина кинотеатр 600—700 сўмлик ойлик планни бажара олади. Ҳозирда эса кинотеатрларда ойига 10—15 сўм пул ишланмоқда. Бу аҳволда бу ерда хизмат қилаётган хизматчилар ойлик маошини қаердан чиқариб олишганикин. Биз борган куни кинотеатрда атиги 4 сўмлик билет сотилибди. Кассирнинг айтишича битта билет сотилса ҳам кино қўйилар экан. Ўзингиз ўйлаб кўринг: мана шундай ўзига жалб қила олмайдиган кинотеатрга ким ҳам келарди. Агар шу кинотеатр боғ маъмуриятига топширилганда эди, аллақачон аҳвол яхши томонга ўзгарган, иқтисодий жиҳатдан ўзини тиклаб олган бўларди. Чунки, 4—5 йилда боғни ҳақиқий боққа айлантирган маъмуриятга кинотеатрни ҳам қисқа муддатда ҳақиқий ёзги кинотеатрга айлантириш ҳеч гап эмас. Бу ҳақда боғ маъмурияти шаҳар маданият Бош бошқармасига 4 марта хат орқали мурожаат қилди. Лекин бирор натижа чиқмади. Бу масалани мутасадди раҳбарлар бир ўйлаб кўриб, том маънода ишлайман, фойда келтираман деган ишбилармон кишиларга кинотеатрни топширса ёмон бўлмасди. Қаровсиз кинотеатр гўзал боғдаги чинакам намунали масканга айланган бўларди.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

⊙ СУРАТДА: кинотеатрдаги нохуш манзара.

Муаллиф сурати.



⊙ ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ. Барселона — Испаниянинг энг гўзал шаҳарларидан бири, тарихий Каталония вилоятининг маркази. У Ўрта ер денгизи соҳили бўйлаб хушманзара ёй шаклида жойлашган. Каталонияликлар Испанияда очиққўнгилликлари ва меҳмондўстлиги билан шуҳрат қозонишган. Уларнинг ана шу фазилатлари ва бошқа омиллар: ёқимли денгиз иқлими, аъло даражадаги спорт иншоотлари Барселонага 1992 йилги Ёзги олимпиадани ўзида қабул қилиш шарафини қўлга киритиш имконини берди.

Олимпиада ўйинларининг очилишига ҳали икки йилдан зиёд вақт бўлсада, Барселона ҳам, бутун Испания ҳам ана шу воқеа билан яшамоқда. Шаҳарда янги спорт комплекслари тикланмоқда, эскилари янгиланмоқда, кўп сонли дўконларда эса олимпиада рамзи тушириларган дастлабки совғалар пайдо бўлди.

СУРАТДА: Барселонадаги католиклар черкови.

Р. Дик (ТАСС) сурати.

Одоб-ахлоқда

Қалбдаги хазина

⊙ Кейинги пайтларда кўпгина нуроний отахонларимиз, мўътабар онахонларимиз бир гапни тез-тез қайтаришлиги эътиборимни тортди: «Кишилар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилиб боряпти», «Баъзи ёшлар одобни унутиб қўяяпти», «Ишқилиб ўзи инсоф берсин, жуда қийин». Бир қараганда шунчаки, аммо чуқур ўйлаб кўрилса аҳвол шу тарзда давом этаверса эртанги кун қандай бўлишидан ташвишланиб айтилган гаплар булар. Ҳа, кўп нарсага вақтида эътибор бермаймиз, кейин ўкиниб юрамиз. Шу вақттача кексалар бирон фикр айтса «Ваҳима бўлиб қопсиз» деб, насиҳат қилишса «Қўйинг, ўша эски гапларни» деб раъйларини қайтардик. Гўё ўзимизнинг тўғри йўлимиз бор-у, катталар бизни шу йўлдан қайтараётгандек. Аслида уларга қарши бориб борн берк кўча томон кетаётганимизни вақтида англамадик чоғи.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ёш ходимларидан бири Муҳаммад Расул ўғли Муҳаммад Абдушукур билан яқинда шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Мулла Абдушукур, инсон одоби, одамларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш масаласи бугунги кунинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Сабаби, катта ҳаётга кириб келаётган авлод бир хилда шаклланмаяпти. Бунинг учун «одам бўлмайди» деб ҳамма айбни уларга ағдариш инсофдан эмас. Ахир улар ҳам инсон фарзанди. Балки ўшалар тарбиясига ижобий таъсир қиладиган томонларни кўрмаётгандирмиз?

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳим. Одоб ҳақида Исломда ҳам кўп ибратли гаплар айтилган. Қолаверса мутақаббил шоирларимиз ва дин арбобларимиз бу ҳақда талай асарлар ёзиб қолдиришган. Афсуски, биз — ҳозирги ёшларнинг аксарияти эски ўзбек ёзувини ўқий олмаганимиз, ўтмиш тарихимиздан узилиб қолганимиз туфайли кўп беназир сабоқлардан бебаҳра қолдик. Бундай қадимий китобларнинг ҳар бири устида узоқ тўлқинланиб суҳбат қуриш мумкин.

Исломда инсон оламга тенг қилинади. Яъни Ер куррасида беҳисоб олтин ва шу каби бебаҳо буюмлар хазинаси бор. Уларни топиб инсон фаровонлиги йўлида фойдаланилади. Худди шунингдек, инсон қалби ҳам дуру жазоҳирларга тўла. Қалбда яширинган шу маънавий хазинани очиб ундан бошқаларни ҳам баҳраманд этмоқ шартдир.

— Демак, ҳар бир инсон қалбида яхшилик уруғлари бор, фақат уларни топиш, фойдаланиш даркор, шундайми? Яъни инсон инсонни ардоқламоғи керак?

— Албатта. Исломда тарбия сўзи табиб сўзидан олинган. Бу дегани одам ўзига, қариндош-уруғларига ва умуман таъсир доираси етадиган жамики кишиларга табиблик — яхшилик қилиши лозим. Ҳозир айтганимдек ота-боболаримиз бу борада жуда кўп ўгит ва насиҳатлар ёзиб қолдиришган. Лекин уларни мутолаа қилиб мулоҳаза юритмоқ учун аксариятимизда эскича савод йўқ.

— Дарҳақиқат, жуда кўп илмни вақтида ўргана олмадик. Шу ишларни бир йўлга солиш учун эса яна вақт керак...

— Яна вақт керак, деб ўтирмасдан интилиш зарур. Шундай ҳам жуда кўп нарса йўқотдик. Парвардигоримизга минг марталар шукрким маданий, маънавий бойлигимизни тўла ўрганадиган давр келди. Чунончи ислом одобида фақат инсонни эзгуликка, ҳалолликка, одоб-ахлоққа чақирувчи даъватлар бор. Мақсад, унутилаёзган маънавий қадриятларимизни тиклайлик ва келгуси авлодга етказайлик.

— Тарбия деганлари шундай нозик бир чок эканки, ўша чокнинг биттагина ипи узилса тамом — сўкилиб кетади. Яъни эътибор қилишга арзийдиган бўлиб туюладиган оддийгина одобсизликнинг олди вақтида олинмаса кетидан канча кўнгилсизликлар чиқиши мумкин. Балки шунинг оқибатидир ёши улуғларни менсимаслик, биргина гап учун ёқа бўғишлар, биродари қонини тўкишлар... Энг ёмони бу жанжаллар миллий низоларгача бориб етяпти.

— Ислом уруғлар, қабилалар ўртасидаги келишмовчиликларни, миллатчилик каби иллатларни қатъиян маън этади. Ҳазрат Абу Бакр Нафисий бин Хорис ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз Салламлоҳу алайҳи вассалам айтдилар: «Агар икки мусулмон бир-бирига қилич билан тўғри бўлса қотил ҳам, ўлган ҳам дўзаҳидир».

Бундай мисолларни кўплаб ҳадис ва ривоятлардан келтириш мумкин. Ислом одобини эсдан чиқариш, унга амал қилмасликнинг оқибати нималарга олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Миллатнинг саодати, давлатнинг тинчлиги ва фаровонлиги аввало ёшларнинг тарбиясига боғлиқ. Ҳадисда: «Кимки бугунги кун билан ўтган кунини бир текисда (яъни ўзгаришсиз) ўтказган бўлса ул киши зиёнлидир» дейилган. Унинг таҳлили шуки, ҳар бир инсон кечаги кунидан бугунини сермаънороқ ўтказгани, камолот сари бир қадам олға босган бўлмоғи лозимдир. Одоб борасида ҳам ҳар он олдинга интилиш фазилат ҳисобланади.

— Айтмоқчисизки, одобли бўлишнинг биринчи шарти илм олишдир?

— Албатта. Ислом оламида одобга бағишлаб битилган юзлаб китоблар мавжуд. Фақат кунт ила ўқиб-ўрганмоқ жоиз. Атоқли шоир Абдулла Авлонийнинг 1382 йили (ҳижрий) Тошкентда «Порцев» матбаасида чоп эттирган асарида шундай сўзлар бор:

«Оллоҳ таоло оламни бир тартиб, интизом ила яратмушким, олимларнинг таъкидлашларига қараганда Ер юзидаги иссиқлик бир даража ўзгарса беҳисоб фалокат юз бериши мумкин. Шу жумладан, инсон ҳам аввало интизом ва одобга бўйсунмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир».

Суҳбатни
Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ
ёзиб олди.

Дунёнинг бойлиги

(Ҳикоят)

Эшик тақиллади. Кексайиб қолган ҳаким инқиллаб - синқиллаб эшикни очди. Бир ёш шогирди китоб сўраб келибди.

— Уйда бўлганим учун эшикни қулфлаб қўйгандим, бўтам, келишингни билсам сени мунтазир этмай, эшикни очиб қўярдим.

Шогирди устозининг бу гапига ҳайрон бўлиб сўради:

— Эй устод, уйда бўлмаган чоғингиз эшикни қулфламай қолдирасизми?

Ҳаким истеҳзоли кулиб, жавоб қилди:

— Ҳа, қулфламай қолдираман, ўзим бўлмагандан кейин бу уйда мендан бошқа қимматли қанақа бойлик бор... Билиб қўй, бўтам, дунёда одамдан азиз бойлик йўқ.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



⊙ «Латофату назокат, ибою иффатда барносиз!»
Рустам Шарипов сурат лавҳаси.

«Онаси мақтаган қиз...»

(Шаҳри опоқининг саргузаштидан)

— Айланай, совчилик ҳам ажабтовур юмуш бўлар экан. Кимнинг кимлиги, таг-зотини, одобини, хонадонини шундай остонасидан қадам қўйишингиз билан билиб оларкансиз. Кенжатойимнинг овози дўриллаб, ҳа деса буюрган ишимга тайсаллайдиган бўлиб қолди. «Бунингизнинг ё чўнтаги пул кўриб қолди, ё уйлангиси келяпти» дедим амакингизга.

— Энди навбат уники-да. Ҳаракатингни қил. Тенгдошлари бирин-кетин уйланяпти. Беш кун олдин кўрганимиз ҳам ғанимат, — дедилар.

Оқ дока рўмолни елвагай ташлаб, чолим олиб берган ковушни ғарчиллатиб йўлга отландим.

Ўғлим кимсан, ҳув Киевдаги аэроплан мактабини аълога битириб, ҳозир ишлаяпти. Унинг қўли тегмагунча битта ҳам аэроплан осмонга кўтарилмасакан. Ўзбекистонда бу ҳунар эгаси ўзбекдан иккита бўлса, бири менинг кенжатойим. Битта бўлса, ўзи! Ҳм, мен гердаймай, ким гердайсин. Аммо, чучварани хом санабман. Қайси хонадонга кирсам, қизини қўш-қўллаб бераман деб ўйлагандим. Йўқ, шунақанги хонадонлар бораканки...

Бир дарвозадан киришимни биламан, сочлари юзининг ярмини тўсиб олган бир қиз (шундай ғашим келдики, сочини кўтариб, фарқини очиб қўйсам қани энди)—Сизга ким керак?—деди савол назари билан.

Сочлари орасидан кўзини зўрға кўрибман. На салом, бор, на алик бор.

— Айланай қизим, бир пиёла сув беринг, ўтиб кетаётувдим, жуда чанқаб қолдим.

Қиз қайрилиши билан ортидан зингил солдим. Оёқлари дўмбоққина, қомати келишган. Аммо муомаласи, сарпойчанг юриши, сочи дидимга ўтиришмади. Ҳовли юзи тартибсиз, супурги билан ҳокандоз ўртада қўйилганг ётибди. Секин ортимга қайта қолдим.

Икки томони қатор участкали кўчадан ўтиб кетатуриб, дарвозаси даранглаган, эшик олди супурилган, кулиб турган ҳовлига ҳавасим келди. Ундан-бундан суриштириб, бўй етган қизи борлигини билдим. Шундай кириб бораманми, ана хонадону, мана хонадон. Буки ишком, буки гулзор. Ҳовлининг ўртасида фаввора. Нақшинкор уйлар, икки қават. «Ким борув, ҳой эгачи?» деб қириб боравердим. Ошхонадан тўлагина бир қиз чиқди-да кўришмай турибоқ, уйда ҳеч ким йўқ, деб тўрсайиб болохонага чиқиб кетди. Анграйиб қолибман.

— Келаверинг, келаверинг. — Рўпарадаги айвондан овоз эшитилди.

— Вой-ву, бу айвоннинг таърифини айтсам, бошдан охиригача узун, қип-қизил чўғдек гилам. Катта хонтахта. Шундай ясатиғлиқки... ўртага бир қулоч келадиган чак-чакни хўрозқандлар билан чиройли қилиб безатишган. Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор.

— Кела қолинг, хуш кўрдик, — деб кўришди кампир. Фотиҳа ўқилгач ўсмоқчилаб сўради:

— Хуш кўрдик, айланий. Қайдан шамол учирди?

— Бир ёмонимнинг дардида юрибман, айланий...

Кампир кулди:

— Осмон тўла фариштa, ҳаммалари ҳар ишда. Мана шунақа қилиб, бир ўзим ўтирибман. Ўғлим билан келиним курортда. Мени пойлоқчи қилиб кетишган. Кошки қувватим бўлсайкин. Узоқни кўзим кўрмайди. Бир зерикаман. Неварамни чақиравериб жағим ҳориди.

— Ҳой, Ҳалима, чой опке!

— Қўяверинг. Овора бўлманг. Икки оғиз гаплашиб кетаман.

— Ўғлиз нима иш қилади?

— Аэроплан инжинири. Унинг рухсатисиз самолўт учмайди. Киевда ўқиб келган. Яна ўқийман, дейди. Отаси бошини иккита қилиб келибсиз. Бу ўғлим — тўнғичим. Базада ишлайди. Янги бўлган бойлардан. Янги чиққан бойдан, отхонадан чиққан айгирдан қўрқ, деганлар. Тағинам бу оилага аввал келмабсиз. Нақ эшикдан ўйлашиб кирардингиз... Ҳозир замон нозиклашиб, ўғлим билан келинимнинг бир энлик пастга тушиб қолганини.

— Ҳой, Ҳалима-ю, чой обке!.. — кампир яна гапга тушиб кетди. — Кечгача шу алпозда ўтираманг. Билмаган одам мени роҳатда-фарогатда ўтирибди, дейди. Юрак бағрим хун бўлди. Кетиб қолай десам, бўй етган қизни манга ишониб ташлаб кетишган. Бу қиз тутқич бермайди. Кечқурун, эрталаб кичик келиним овқат олиб келиб, едириб-ичириб кетади. Ана шу келинимни кўзим тўрт бўлиб кутиб ўтирибман.

— Майли, сизни ҳам безовта қилдим...

— Яхшиям, келиним йўғида келдиз. Нақ энсаси қотиб, нималар деворарди Сизга.

Кулиб турган ҳовлидаги йиғлагудек ҳолни кўриб, кампирга ачиниб чиқиб кетдим.

Қизи бор уйга шоҳ ҳам келади, гадо ҳам, дейдилар, қай бир хонадонда шоҳдек, қай бир хонадонда гадодек кутиб олиндим.

Охир-оқибат қўшним далолат қилган бир хонадонга бордим. Ораста, саранжомсаришта хонадон. Одамларининг юзидан нур ёғилиб турибди. Икки келин югуриб чиқиб, бизни кутиб олди. Тандир олдида қуймалашаётган қуда бўлмиш она ҳам пешвоз чиқди.

— Ўзи келган меҳмоннинг қадами қутлуғ бўлади, дейдилар, эрталабдан бери кўзим учиб, ҳай яхшиликка деб, биров келиб қолса нон ёпа қолайлик деб уннаган эдик. Хуш келибсизлар, қадамларингизга ҳасанот!

Келинлар қат-қат кўрпачаларга бизни ўтказиб, ёнбошимизга болишлар қўйиб, иссиқ кунда чанқагансизлар, деб бир пиёладан чой тутишди, сўнг дастурхон безатишга тушиб кетишди.

— Онаси мақтаган қизни олма, янгаси мақтаган қиздан қолма, деганлар, эгачи, — деди қўшним. — Яна айтганларки, янга кўрган қизни ол.

Уй соҳибаси дарров фаҳмлади:

— Бизни ўзиларга лозим кўриб келибсизлар, раҳмат.

— Биз ҳали кўп келамиз, — деди қўшним. — Қизингиз қаерда?.. Эгачим кўрсинлар.

Изн бўлгач, янгаси чиқиб кетди. Бир пайт эшикдан қиз кириб келди.

— Ассалому алайкум.

У ҳаммамиз билан кўришиб чиқди.

— Опоқингни танидингми, аввалги маҳалламизда қўшни эдик, — деди қуда бўлмиш. — Эски қадрдонларимни кўриб кетай дебдилар.

Қиз эслади. Опоқиси билан сўраша кетди.

— Чой обкеб, ўз қўлинг билан қуйиб бер, қизим, — деди она.

Очиққина қиз экан, менга ёқди. Бошига дуррача ўраган, лозим кийиб олибди. Мулойимгина, ўғлимга муносиб.

—Одам-одамга сабабчи, ажаб эмас, тақдир бўлиб... — деди қўшним. — Ўзимни олдимга олиб борволардим қизингни.

— Сизга бир эмас, ўн қизим бўлса ҳам раво кўрманг.

Хонадондан кўнглим сув ичиб чиқарканман, қуда хотин келинларига деди:

— Ҳой, меҳмоннинг кетидан етти қадам юрилса, ўша хонадондан яхшилик аримас эмиш.

Қутбихон НОСИРОВА.

Акс садо

«Тўйдаги гул базми»

УРФ-ОДАТЛАРИМИЗГА МОС БЎЛСИН

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 14 июнь сонидаги «Тўйдаги гул базми» сарлавҳали мақолани қизиқиб ўқиб чиқдик. Равшанбек Юнусов энг муҳим тарбиявий аҳамиятга молик бўлган масалани муҳокамага қўйган.

Ўзбек халқининг қадим-қадимдан турмуш маданияти, урф-одати, одоби, илм-фанга қўшиб келаётган буюк ҳиссаси дунё халқларига маълум. Шунингдек, тўйларимиздаги янги одатлардан бири бўлган «Гул базми» ҳам меъёри билан, одоб доирасида ўтказилса унинг тарбиявий аҳамияти беқиёс ошишини унутмаслигимиз керак. Тўғри, «Қизил тўй» яхши. Лекин унда спиртли ичимликлар тортилмаса, беҳаё қўшиқлар айтилмаса ва рақсда тушишда бачкана муқомларга эрк берилмаса, йигитлар бир томонда, қизлар бир томонда туриб миллий мусиқа жўрлигида лапар-қўшиқларни ижро этсалар, менимча бунинг ёшлар тарбиясига ижобий таъсири катта бўларди. Мадомики, хайрли анъаналаримизни тиклаётган эканмиз, тўйларимизни ҳам ўз урф-одатларимизга мослаб ўтказамиз деган умиддамам.

Ҳаким МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, кекса педагог.

НАҲОТКИ БУ ҲАЁСИЗЛИК БЎЛСА!

Мен «Тошкент оқшоми» рўзномасида берилган «Тўйдаги гул базми» мақоласини ўқиб, ҳайратга тушдим. Наҳотки, куёв билан келиннинг тўйда (тағин ўзларининг ҳаётларидаги энг қувончли, унутилмас кунларида!) ёнма-ён ўтиришлари хилоф иш бўлса? Тўғриси, мен бундай одат ҳақида ҳали эшитмагандим. Ахир икки ёш севишиб, бир-бирларини тушуниб, ҳаётда умрбод бирга бўлишга аҳд қилишиб, турмуш қурадилар-ку. Бас, шундай экан, нима учун биз уларни ажратишимиз керак? Мен келиннинг куёв билан ёнма-ён ўтиришини хилоф эмас деб ўйлайман.

Латофат НОМОЗОВА,
Сурхондарё вилояти, Термиз районк, «Намуна» колхози.

⊙ **МУҲАРРИРИЯТДАН: рўзномамизга йўллаган мактубларингиз учун ташаккур. Урф-одатларимиз, анъаналаримиз борасида яна қандай фикр-мулоҳазаларингиз бор, яшаш жойингизда вужудга келаётган янги анъаналар ва ўзингизни ўйлантираётган муаммолар ҳақида ёзиб юборинг.**

Советлар мамлакатида

⊙ МОСКВА. Лихачев номли автозаводда «Енилғи-энергетика ресурсларига алоқадор барча нарсаларни тежашни билишади. Бу ерда бўлиб ўтган тежамкорлар конкурсида сарф-харажатларни камайтириш, сермашаққат жараёнларни енгиллаштириш йўлида жорий этилган таклифларнинг якунлари чиқарилди. Фақат бир бўлинма — завод иссиқлик-электр марказн бўйича юз минг сўмликка етадиган самара олинди. Бунда 700 минг киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси, 100 минг куб метрдан кўпроқ сув тежалди. Янгиликлар муаллифлари орасида конструкторлар, технологлар, слесарлар бор.

⊙ ТОМСК. Томск вилояти ўрмонларида игнабаргли дарахтларнинг зараркунандалари пайдо бўлди. Булар муайян йилларда кўп минг квадрат метр жойлардаги игнабаргли тайга ўрмонларини йўқ қилиб юборган ҳашаротлардир. Бу йилги иссиқ ва қуруқ ёз вилоят территориясида «яшил ёнғин» чиқиши реал хавфини вужудга келтирди. Зараркунандаларга қарши кураш мутахассислари ўрмон ҳайвонот оламига салбий таъсир қилувчи заҳарли химикатлардан фойдаланишдан воз кечганликлари туфайли янада мураккаблашди. Ҳашаротларга қарши курашда ғалаба қозонилди. Лекин хавф бутунлай йўқолмади. Зараркунандалар яна бостириб келганида уларга қарши курашиш учун ҳеч қандай восита бўлмайди, чунки пиретройд группасидаги препаратлар бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайди, балки Англия ва Японияда олиб келинади, бироқ кейинги пайтларда бундай препаратларни олиб келиш миқдори жуда чеклаб қўйилди. Тайгани эса дихлофос билан заҳарлаб бўлмайди-ку, ахир.

⊙ МАХАЧҚАЛЪА. Дағистон пойтахтида кўргазма ярмарка ўтмоқда. Дағистон Рассомлар уюшмасининг кўргазма залида ранг-тасвир, графика, сопол, заргарлик буюмлари намойиш этилган. Бу ерга келганлар биринчи бор мухтор жумҳурият санъат усталари ижоди билан танишибгина қолмай, шу билан бирга ўзларига маъқул бўлган асарларни сотиб олишлари ҳам мумкин бўлади. «Тижорат» кўргазмасининг доимий ишлайдиган бўлишига қарор қилинди.

(ТАСС).



⊙ ИВАНОВО ВИЛОЯТИ. «Ивановомебель» бирлашмасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастлабки тўртта рақамли программа билан бошқариладиган ИРД 6Ф4 ёғочни қайта ишлаш маркази ўрнатилди. Улар сифат жиҳатидан янги мебеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради.

Дастгоҳлар «Ивановомебель» бирлашмаси ва СССР 50 йиллиги номли Иваново дастгоҳсозлик бирлашмасининг мутахассислари ҳамкорлигида яратилди.

СУРАТДА: янги дастгоҳ ёрдамида ишлаб чиқарилган «Марказ» корпусли мебеллар термаси.

Г. Попов (ТАСС) сурати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси
Орол ва Оролбўйини асраш қўмитаси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

30 ИЮНЬ СОАТ 18.00 ДА
«ОРОЛ — ЯШАШИ КЕРАК»

УЗЛУКСИЗ ва ХАЙРИЯ ТЕЛЕКЎРСАТУВИГА БАҒИШЛАНГАН ЖУМҲУРИЯТ САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ғуломжон ЁҚУБОВ, Дилафрўз ЖАББОРОВА;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Нуриддин ҲАЙДАРОВ;
«Қизиқчи—89» конкурси ғолиблари: Обид АСОМОВ, Мирза ХОЛМЕДОВ, Собит АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДЖЎЖАЕВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ;
«Қизиқчи—90» конкурси лауреати Ғофур МИРЗАБОЕВ;
«Тошкент маликаси» — Наргиза ОЛИМОВА;
Ўзбекистон сеҳргарлари — Фарҳод ва Ширин РАЖАБОВЛАР, Хайитбой ЖУМАНИЁЗОВ.
САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР — **Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги жумҳурият давлат мукофоти совриндори** Абдурашид РАҲИМОВ.

ХАЙРИЯ КЕЧАСИДАН ТУШГАН МАБЛАҒ «ОРОЛ» ЖАМҒАРМАСИГА ЎТКАЗИЛАДИ.

Патталар В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

«ОРОЛ» жамғармасига ёрдам берувчилар 32-07-84 номерли телефонга мурожаат қилинг.

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг ФВ—909551 номерли йўқолган ЯНГИ ДИПЛОМИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Бойчечак» кооперативининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 17-мактаб томонидан **Файзуллаев Шуҳрат Муртазоевич** номига берилган В697862 номерли йўқолган **ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШЭЛЕКТРОМАШ» ЗАВОДИГА:

моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи ва иқтисодчиси, капитал қурилиш бўлими муҳандиси, моддий бўлим ҳисобчиси, омбор мудири, штампловчи усталар, токарлар, пластмасса исканжаловчилар, электр асбоблар ва трансформатор ғалтакларини ўровчилар, ғалтакларни ажратиб қўйувчилар.

Шаҳарда прописка қилинган ёшлар учун завод ҳузурида ётоқхона бор.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли 159-қурилиш трестининг 53-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, кошин қопловчилар. Меҳнат ҳақи—ишбай-мукофотли.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 12-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА:

бўёқчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, электр пайвандчилар, камида 3-разрядли сувоқчилар.

ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

фрезерловчилар, токарлар, механика-йиғув ишлари чилангарлари, йиғувчилар; қоқиб чиқарувчилар, тикувчилар, штампловчилар, галваникчилар, бўёқчилар.

ТОШКЕНТ СОВУТИШ КОМБИНАТИГА:

бош энергетик, зарядлаш цехи бошлиғи, автогараж бошлиғи, қадоқлаш цехи қадоқловчилари, барча марка ва тонфалардаги автомашиналарнинг ҳайдовчилари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ КООПЕРАТИВ ХЎЖАЛИКЛАР ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

том ёпувчилар, чилангар-сантехниклар, газ пайвандчилар.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ РАЙОН ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ҲАМЗА РАЙОНИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОНИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОНИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР ЖАСОРАТИ

Туркистон ҳарбий округи тарихи музейининг ўзбекистонлик ҳарбий шифокорларнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмаси янги материаллар билан бойиди.

Шундай шифокорлардан бири — профессор-ортопед О. Ш. Шокировнинг номи Ўзбекистонда кўпчиликка яхши таниш. Лекин унинг ҳарбий биографиясини кам одам билади. Ҳарбий шифокорнинг ҳужжатлари, Шокиров тўғрисида ёзилган ва унинг ўзи ёзган китоблар музей кўргазмасининг янги бўлимини ташкил қилди. Улар шифокор, Кавказ учун бўлган жанглар иштирокчиси сифатида 389-тиббий-санитария дивизияси составида босиб ўтган оғир йўл ҳақида ҳикоя қилади. Шу ернинг ўзида ускуналари бор. Булар ёрдамида у мингдан зиёд операцияни ўтказган.

Кўргазмада ҳарбий шифокор И. А. Кононова тўғрисида ҳам материаллар пайдо бўлди. Уруш йилларида у минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолган. Мардлиги ва фидокорлиги учун кўпгина жанговар мукофотлар билан тақдирланган. Бу мукофотлар ҳам кўргазмада намойиш этилмоқда.

(ЎзТАГ).

Қинғир иш—келтирар ташвиш



Учарлар қўлга тушди

⊙ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида» қарор қабул қилганига ҳам икки ойдан ошди. Хўш, жумҳуриятимиз пойтахтида ана шу қарор борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз шаҳар ички ишлар бошқармаси хизматчилари билан тунги рейдда бўлиб ана шу саволларга жавоб ахтарди.

Тунги соат 24.00. Давлат автомобиль инспекциясининг Юнусобод даҳаси ёнида жойлашган Ҳалқа йўлидаги «Уч қаҳрамон» постидамиз. Тошкент орқали бошқа жумҳуриятларга ўтиб кетаётган ҳар бир транспорт текширувдан ўтказилмоқда. Йўл хизмати полкининг командир ўринбосари, милиция майори Сайдали Қосимбеков бошчилигидаги бир гуруҳ инспекторлар машиналарни синчковлик билан кўздан кечиришмоқда. Қизил рангдаги «Жигули» машинаси тўхтатилди. 1958 йилда туғилган Фозил Ирисқулов машина омборхонасидаги пачка-пачка гиёҳли дори-дармонларни ва шунга ўхшаш бошқа дориларни қишлоғига олиб кетаётганлигини тан олди.

— Бир хил кўринишдаги шунча дори-дармонларни нима қиласиз. Мана бу дорихоналарда камёб бўлган ўтли гиёҳларни қаердан олдингиз, — деб берган саволимизга «Отам табибчилик қиладилар. Тошкентга тушганда таниш-билишлардан олиб қайтаман», — дейди у.

Бизни бир нарса ажаблантиради. Ўзимизда, бугунги кунда аҳоли учун зарур бўлган бу дориларни шаҳримиздаги қайси дорихонанинг учарлари кўтарасига бу йигитга ҳадя қилишди экан.

Номерсиз 2105 маркали «Жигули» машинасининг ҳайдовчиси А. Бабкин Тожикистоннинг Ўратепа районидан машина ҳарид қилиб, оғайнилари билан Свердловскка кетаётган экан. Уларнинг машинаси тинтув қилинганда тўққиз жуфт этик ва бошқа ноёб моллар чиқди.

— Шунча этикни нима қиласиз? — деб берган саволимизга «Қариндош-уруғларга олувдим», — деди мужмал жавоб қилиб А. Бабкин.

Ш. Серикбоевнинг «Шкода» маркали машинаси тўхтатилганда ҳар хил ноёб кийим-кечакларга дуч келдик. Магазинлардан топиш анқонинг уруғи бўлиб қолган бу буюмларни қаердан олганлигини суриштирдик.

— Янги бозордан, таниш-билишлар ёрдам беришди, — деди универсам мудири Ш. Серикбоев.

Жумҳуриятимиз пойтахтидан ҳар хил ноёб буюмлар билан бир қаторда озиқ-овқатлар, сабзавот ва мевалар ҳам олиб чиқиб кетилмоқда. Ваҳоланки бу маҳсулотларнинг кўпчилиги жумҳуриятимиздан олиб чиқиб кетилиши чекланган ёки тақиқланган маҳсулотлардир.

«ЛИАЗ-1142» маркали 11—47 ТНН машинасида В. Карпишев Новосибирскка 7100 килограмм саримсоқ пиёз олиб кетаётганда ушланди. Бундай ўз манфаати йўлида «ғамхўрлик» қилиб бебилиска пул топиш йўлига ўтиб олганлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Лекин бизни бир нарса ажаблантиради. Ахир бундай текинтомоқларга ким икки қўллаб ёрдам бермоқда? Наҳотки улар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг олиб чиқиб кетилиши чекланган ёки тақиқланган маҳсулотларни таниш-билишчилик қилиб узатиш билан текинхўрларга ёрдам беришаётганлигини тушунишмаса?!

Бугунги кунда қурилиш материаллари ва буюмларининг камёб бўлиб бораётганлиги ҳаммага равшан. Пул кўтариб иморатнинг кам-кўстини тўғрилаш мақсадида эшик, дераза, тахта, ғишт қидириб юрганларнинг сон-саноғи йўқ. Лекин айрим учарлар бундан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Рейд ўтказган кунимиз 01—31 ТНС машинасининг ҳайдовчиси В. Бенгис тўхтатилди. Машинасига ортилган учта эшик ва бошқа қурилиш материаллари қайтарилди.

Икки ой ичида фақат «Уч қаҳрамон» постидан 110 та машина қайтарилди. Буларда 182 тонна сабзавот ва мевалар бўлган. 36 тоннаси озиқ-овқат.

— Давлат автомобиль инспекциясидан қайтарилаётган озиқ-овқат, мева ва сабзавот ҳамда ҳар хил буюмлар шаҳримиздаги тўртта комиссион ва битта коопторг магазинида қабул қилиб олинмоқда, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар ички ишлар бошқармаси ОБХСС бўлими бошлиғи Шавкат Каримов. — Ҳар бир постда ГАИ хизматчилари билан бир қаторда ОБХСС хизматчилари ҳам иштирок этишмоқда. Вазиятга қараб ўша ернинг ўзида олиб чиқиб кетилиши чекланган ёки тақиқланган маҳсулотларни олиб кетаётган шахсларга нисбатан чора кўрилмоқда.

— Шавкат Каримович, ҳозир ўлкамизда айни пишиқчилик палласи. Сабзавот ва меваларни шаҳримиздан ташқарига олиб чиқиб кетилишига қандай қарайсиз?

— Яқинда мен бир гуруҳ ҳамкасбларим билан Қўйлиқнинг «Қорасув» бозорида бўлдим. Бодринг, помидор ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча арзон. Бу Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарорининг ўз вақтида қабул қилинганлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: «Уч қаҳрамон» постида олинган сурат-лавҳалар.

Қ. Зоҳидов суратлари.



Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

9-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

Тошкент шаҳар мактабларининг 9—11-синф битирувчиларини устки кийимларни тикувчи-мотористка; аёлларнинг енгил кўйлагини тайёрловчи тикувчи-мотористка ихтисослари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-синфни битирганлар 3 йил ўқийдилар ҳамда ўрта маълумот ва ихтисос оладилар. Улар кийим-бош ва бепул овқат билан таъминланадилар.

11-синфни битирганлар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўмдан стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топилган иш ҳақининг 50 фоизи берилади.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: директор номига ариза, турар жойидан ҳамда 086/У андозадаги тиббий шаҳодатномалар, паспорт, маълумоти тўғрисида аттестат, мактабдан сифатнома, 3х4 см катталикдаги 6 та фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

9-ҳунар-техника билим юрти юксак маданият маскани бўлиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгаши, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланган.

Билим юртида ўтказиладиган «Биринчи буюм байрами», «Касби бўйича энг яхши» конкурслари, «Ёш ишчи» куни тадбирлари анъанага айланиб қолган. «Қизил чиннигул» комсомол-ёшлар клуби ишлаб турибди. Ўқувчиларнинг «Модалар уйи» ташкил этилган. Техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ҳамда спорт шўъбаларида машғулотлар ўтказилаяпти. Билим юртини аълога битирган ўқувчилар педагогика кенгашининг қарорига биноан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга киришга тавсия этиладилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 3, 7, 11, 40, 45, 50, 51, 54, 57, 58, 67, 80, 99, 94-автобуслар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Театральная» бекати).

Телефон: 54-95-58.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни тамомлаган йигит ва қизлар учун — 3 йил, 11-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил.

3 йил ўқийдиган ўқувчилар стипендия ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиган ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

3 йиллик курсларни битирувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади. 1 йиллик курсларни битирувчиларга эса мутахассислиги бўйича диплом берилади.

Билим юрти ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚИРАДИ.

Билим юрти битирувчилари Тошкент булка-қандолат комбинатига, «Ўртоқ» қандолат фабрикасига, Тошкент сабзавот савдо бирлашмасига, Тошкент ва Наримонов шаҳри ошхоналари трестларига ишга юбориладилар.

Билим юртини «4» ва «5» баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга Тошкент Совет савдоси техникумига (қисқартирилган программа бўйича ўқитиладиган ғруппаларга), шунингдек, олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланмалар берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: 700080, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй. (68, 15, 45, 23, 171, 183, 177, 154-автобуслар, 5-трамвайнинг «5-Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун

қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

49-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Муассасалараро экспериментал бирлашманинг

ТЕХНИКУМ-БИЛИМ ЮРТИ

Янги ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАНДОЛАТЧИ, ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИ, КАРАМЕЛЧИ, КОНФЕТЧИ, СОТУВЧИ, НАЗОРАТЧИ-КАССИР.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 9—11 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

БХР, ВХР, ГДР, ПХР, ЧСФР, ЮФСР ШАҲАРЛАРИ БИЛАН ХАЛҚАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ОЧИЛДИ.

ҲОЗИРЧА БУ ҚУЛАЙЛИКДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 34, 35, 40, 54, 57, 58, 61, 62, 63, 65, 67, 68, 92, 93, 97, 98-АТС абонентлари фойдалана олишади.

Бошқа мамлакатдаги абонентни чақириш учун «8» рақамини теринг, гудок бўлишини кутасиз, кейин «10» рақамини, мамлакат коди, шаҳар коди, гаплашмоқчи бўлган абонентингиз телефонини терасиз.

Бошқа мамлакат ва шаҳарлар тўғрисидаги зарур маълумот олиш учун 44-39-31 тартиб рақамли телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Халқаро автоматик телефон алоқаларидан Москва вақти билан соат 12 дан 16 гача бўлган вақтлар орасида фойдаланишингизга маслаҳат берамиз. Телефон қилишингизда зарур бўлган сонларни кўрсатилган тартибда теришингиз зарур. Улар орасида бўладиган пауза беш секунддан ошмаслиги зарур.

Агар алоқа барча сонларни терганингиздан кейин ҳам қирқ секунд давомида уланмаса, ҳаракатларни қайтадан такрорланг.

Москвадаги халқаро станция таъмирланиши муносабати билан мамлакатлараро хизматни мутаносиблаштириш, барча давлатларга буюртмалар қабул қилиш вақтинча Тошкент ихтиёрига ўтказилди. АҚШга буюртмалар маҳаллий вақт билан 9 дан 10 гача қабул қилинади.

Буюртмалар қабул қилиш 44-39-41 телефони орқали икки сутка олдин амалга оширилади.

БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ВАҚТИНИНГ МОСКВА ВАҚТИДАН ФАРҚИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Австралия	+7	Кения	— 0
Австрия	—2	Нидерландия	— 2
Жазоир	—3	Норвегия	— 2
Аргентина	—6	Польша	— 2
Бельгия	— 2	Португалия	— 3
Болгария	—1	Руминия	— 1
Бразилия	— 6	Сурия	— 1
Буюк Британия	— 3	АҚШ	— 8
Венгрия	— 2	Югославия	— 2
ГДР	—2	Филиппин	+5
Греция	— 1	Финляндия	—1
Дания	— 2	Франция	— 2
Исроил	— 1	ГФР	— 2
Индонезия	+ 4	ЧСФР	—2
Ироқ	— 0	Швейцария	— 2
Ирландия	— 3	Швеция	— 2
Испания	— 2	Япония	+ 6
Италия	— 2		
Яман араб республикаси	—0		
Канада	— 8		

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ — ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

КЎМИР УЙИНГИЗГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

«ТАШГОРЛЕССТРОЙТОПТОРГ»нинг ёқилғи омборлари ана шундай хизмат кўрсатмоқда.

Ёқилғи омборларининг манзилгоҳи:

1-омбор — Отчопар кўчаси, 2-ўтар кўча, телефон 91-39-85—Ленин, Ҳамза, Фрунзе районларига ҳамда Октябрь районининг бир қисмига (Навоий ва Уйғур кўчаларининг тоқ сонли томонларига, шунингдек уларга туташ кўчаларга, тор кўчаларга ва боши берк кўчаларга) хизмат кўрсатади;

2-омбор — Уста Ширин кўчаси, 136-уй, телефон 48-25-62 — Собир Раҳимов, Киров районларига ҳамда Октябрь районининг бир қисмига (Навоий ва Уйғур кўчаларининг жуфт сонли томонларига ҳамда уларга туташ кўчаларга, торкўчаларга ва боши берк кўчаларга) хизмат кўрсатади;

3-омбор — Сергели даҳаси, Жанубий саноат зонаси, телефон 58-96-38 — Сергели ва Акмал Икромов районларига хизмат кўрсатади.

«Ташгорлесстройтопторг».



«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 ВА 2 ИЮЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Қодиржон МИРАШУРОВ

Хушовоз хонанда Абдурауф ОЛИМОВ.

Сўз устаси, «Қизиқчи-90» кўригининг ғолиби

Ҳожибой ТОЖИБОЕВ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

ИТЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳайвонларнинг касалликларига қарши кураш станцияси Тошкент шаҳар Советининг қарори билан тасдиқланган «ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҲАЙВОНЛАРНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ» (5—2 бўлими, 1-банди)га мувофиқ;

— БАРЧА ИТ ЭГАЛАРИ 1 ЯРИМ ЙИЛЛИКДА ЎЗ ИТЛАРИНИ ТУРАР ЖОЙ ОРГАНЛАРИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ КЎЗДАН КЕЧИРИБ, ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ВЕТЕРИНАРИЯ ИШЛОВИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ТУРАР ЖОЙЛАРДАГИ ВЕТЕРИНАРИЯ ШИФОХОНАЛАРИГА БУ ҲАҚДА МАЪЛУМ ҚИЛИШЛАРИ КЕРАК.

1 ИЮЛГАЧА РЎЙХАТДА ҚАЙД ҚИЛИНМАГАН ВА ВЕТЕРИНАРИЯ ИШЛОВИДАН ЎТКАЗИЛМАГАН ИТЛАР ОЛИБ КЕТИЛАДИ.

Эсингизда бўлсин, ветеринария ишловидан ўтказилмаган ва дайдиб юрган итлар атрофдаги кишилар саломатлиги учун хавф-хатар манбаи ҳисобланади.

Итларни бўйинбоғсиз сайрга олиб чиқманг.

Вакцинация ва ветеринария кўригидан 30 кун ўтгандан кейингина итларни сотиб олиш, сотиш, шаҳар ташқарисига кўргазмага олиб чиқишга рухсат этилади.

Белгиланмаган жойларда итларни сотиб олиш, сотиш тақиқланади.

Ветеринария шифохоналари бегим кунлари соат 9 дан 17 гача, шанба куни соат 9 дан 13.00 гача (ветеринария мутахассиси навбатчилик қилади) ишлайди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Чио-чио-сан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Жар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Парвона.**

КИНО

28 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚАСОС ИШТИЁҚИ» (катта зал, 16, 18.30, 21.00); «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (кичик зал, 17, 19.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ФИДОЙИ» (жуфт соатларда ва 20.00 да).

Чайка — «ЯНА БИР АЛОҚА» (16, 18.30, 21.00)

Восток — «АШАДДИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР» (16, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «БИРОН-БИР ДАЛИЛСИЗ» (21.00); «ДЎЗАХ АЗОБИДА» (21.30).

Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 73-ўрта мактаб томонидан **Тожиев Маъмур Жўраевич** номига берилган Б—017450 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Республика рус тили ва адабиёти институти томонидан **Усманова Турсуной** номига берилган ЛВ 457545 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 116-мактаб томонидан **Алимов Қаҳрамон Эркинович** номига берилган 319524 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов ноҳия қўмитаси Акмал Икромов ноҳия Кенгаши ва Ижроия қўмитаси Акмал Икромов ноҳия ижроия қўмитасининг раиси О. С. Алихўжаевга онаси

Тўхтасинхон АЛИХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов ноҳия ижроия қўмитасининг молия бўлими, Акмал Икромов ноҳия ижроия қўмитасининг раиси О. С. Алихўжаевга онаси

Тўхтасинхон АЛИХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар комсомол қўмитаси ва район комсомол қўмиталари ходимлари Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ж. Л. Ҳакимовга онаси

Муҳтабар Қодировна МАНСУРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

«Узирстройконструкция» ихтисослашган бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори

Асрол Замрутович МИРЗААҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси комитетлари «Умумий ва назарий электротехника» кафедрасининг доценти О. М. Бурҳонхўжаевга онаси

Муқаддас БУРХОНХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СССР Жамғармалар банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарманинг кадрлар бўлими бошлиғи Х. Х. Қорахўжаевга онаси

Ҳалима ИСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 04638.

140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.